



№ 313

BUYRUQ

“13” 11 2020

Қурилиш вазирлигининг бюджет
маблағларидан самарали фойдаланиш
юзасидан давлат харидларини ташкил этиш
ва ўтказиш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланган 2020 йил 4 сентябрдаги “Қурилиш вазирлиги тизимида яширин иктисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” нинг 3.8-банди ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 2018 йил 9 апрелдаги (ЎРҚ-472-сон) Қонуни билан давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат харидини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида 2021 йил 1 январдан харидларни ташкил қилиш ва ўтказишда қуйидаги қўшимча тартиблар жорий қилинсин:

Харидларни ташкил қилиш ва ўтказиш белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ, Ишлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган, Марказий бухгалтерия ва Комплаенс назорат бўлими билан келишилган, масъул вазир ўринбосари томонидан тасдиқланган харидларнинг йиллик ва чораклик режа-жадваллари ҳамда Харид комиссияси тегишли қарори асосида амалга оширилади;

тасдиқланган харидларнинг йиллик ва чораклик режа – жадвалларига асосан товарлар ишлар ва хизматлар бўйича харид ҳужжатларида уларни ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатиладиган ахборот, шартнома баҳоси ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот, танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб, танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана, агар товарнинг (ишнинг, хизматнинг) муқобил

вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи ва техник топширик тегишли бошқарма (бўлимлар) томонидан ишлаб чиқилади ва Харид комиссияси томонидан тасдиқланади;

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган миқдордаги товарлар (ишлар, хизматлар) учун (вазирлик марказий аппарати томонидан берилган талабномадаги хусусиятлар асосида) харидлар масъул вазир ўринбосарининг ёзма кўрсатмасига асосан амалга оширилади;

харидлар ўтказилиши ҳақидаги эълонларни жойлаштиришга фақат белгиланган тартибда молиялаштириш манбаси билан таъминланган базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан ошган миқдордаги товарлар (ишлар, хизматлар) учун Харид комиссияси қарорига мувофиқ рухсат берилади;

Қурилиш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ҳақида” 2020 йил 17 январдаги 25-сон буйруғи асосида ишлар Статистика бўлими томонидан умумлаштирилади ва ҳар ой якуний натижалари бўйича раҳбариятга маълумот тақдим этиб борилади.

3. Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари бўйича Харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони олинadиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.

4. Харид комиссияси томонидан харидларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат харидларига оид қонун ҳужжатлари талабларига, одоб ва ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиниши белгилаб қўйилсин.

5. Ишлар бошқармаси (А.Хамзаев) Марказий бухгалтерия (А.Элибаев) билан биргаликда ҳар йили 15 январга қадар йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини, вазирлик марказий аппарати томонидан тақдим қилинган талабномалар асосида ажратилган лимитлар доирасида йиллик ва чораклик режа – жадвалларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқлашни таъминласин.

6. Вазирлик марказий аппарати бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқарма бошлиқларига Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 99-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджет сўровларини тақдим этиш муддати ҳар йилнинг 15 июнигача белгиланганлигини инобатга олиб, ҳар йилнинг 15 май кунига қадар Давлат бюджети харажатлари бўйича талабномаларни Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотлар бошқармасига тақдим этиш вазифаси юклансин.

7. Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида иқтисодий ислохотлар бошқармасига (Ш.Содиқов) вазирлик марказий аппарати ва таркибдаги ҳудудий тизим ташкилотлари томонидан тақдим этилган талабномаларга (асосли ҳужжатлари билан) мувофиқ, Молия вазирлигига тегишли ҳужжатларни тақдим этиб борсин.

8. Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 77-сон буйруғининг 3-банди билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби бекор қилинсин.

9. Ушбу буйруқ ижроси устидан назорат ўрнатиш вазир ўринбосари Б.Ўрақов зиммасига юклансин.

Изоҳ: Вазир хизмат сафарига бўлганлиги сабабли, буйруқ вазирнинг биринчи ўринбосари Ш.Хидоятлов томонидан имзоланди.

Вазир



Б.Закиров

Қурилиш вазирлигининг
2020 йил “ 13 ” 11 даги
313 - сон буйруғига илова

**Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидлари бўйича Харид
комиссиясининг таркиби**

Харид комиссияси раиси

Б. Ўраков - Вазир ўринбосари

Харид комиссияси раисининг ўринбосари

Б. Сирлибаев - Марказий бухгалтерия бош мутахассиси

Харид комиссияси аъзолари

Ш. Содиқов - Лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида
иктисодий ислоҳотлар бошқармаси бошлиғи

А. Хамзаев - Ишлар бошқармаси бошқарувчиси

Ш. Мирджалолов - Қурилишда танлов савдоларини ташкиллаштириш
бўлими бошлиғи

М. Загрутдинов - Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш бўлими
бошлиғи

Лавозимига кўра - товарлар (ишлар, хизматлар)нинг харидлари
бўйича талабнома берган бошқарма ва
бўлимларнинг ходимлари (харид комиссиясининг
котиби)

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига
ушбу вазифага янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш
юклатилган шахслар киритилади.